

Мен бир калимани биламан...

09:10 / 03.12.2017 3018

Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдим, икки киши сўкишиб кетди. Бирининг юзи қизариб, бўйин томирлари шишиб кетди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мен бир калимани биламан. Агар уни айтса, ундан мана бу топган нарсаси (Ғазаби) кетади. Агар «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм», яъни «Лаънати шайтондан Аллоҳнинг номи ила паноҳ тилайман», деса, ундан бу етган нарсалар кетади»**, дедилар. Саҳобалар у кишига: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам лаънати шайтондан Аллоҳ номи ила паноҳ тилагин, деб айтдилар», дейишди».

Муттафақун алайҳ.